

## **Товарлар ташқи савдо статистикаси ҳисобини ташкил этиш услубий қўлланмаси**

Ушбу услубий қўлланмада Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилигига ва БМТ Статистика бўлими томонидан тайёрланган иккинчи қайта кўриб чиқилган “Халқаро товарлар савдо статистикаси: концепция ва таърифлар” (ХТСС-2010)га асосланган,товарлар ташқи савдоси статистик маълумотларининг асосий қоидаларининг шаклланиши келтирилган.

Тўлов баланси услубий қўлланмасига мос равишда товарлар ташқи савдоси ҳисобини янада тўлиқ акс эттирилиши мақсадида ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш,Давлат статистика қўмитаси,Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланган “Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубий қўлланмаси тўғрисидаги Низом” (АВ 2007 йил 20 сентябрь №1717) асосида амалга оширилади.

Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаситашқи савдо статистикасини шакллантириш, аналитик материалларни тайёрлаш,турли давлатлар-савдо ҳамкорлар билан Республика савдо маълумотларини таққослама таҳлилини ўтказиш учун мўлжалланган.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Бу услубий кўрсатмада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилди:

**товар** –ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан валюта ва қийматлари, электр, иссиқлик ва бошқа турдаги энергия воситалари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташувчи транспорт воситалари, контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари;

**резидентлар** – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар,Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган

юридик шахслар, дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек иқтисодий ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ташкилотлари ваколатхоналари;

**божхона тузуми** – Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган, божхона мақсадлари учун товарлар ва транспорт воситалари белгисини аниқлайдиган қоидалар тўплами;

**товарлар экспорти** – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан товарларни қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса;

**товарлар импорти** – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарларни олиб кириш, уларни қайта олиб чиқиш мажбуриятисиз;

**ташқи савдо айланмаси** – муайян давр учун мамлакат экспорти ва импорти қийматининг миқдори;

**товарлар келиб чиққан мамлакат** – маҳсулот тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишланган мамлакат (товарларнинг етарли даражада қайта ишлаш мезонлари “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 моддасига мувофиқ белгиланади);

**товарлар юбориладиган мамлакат** – товарларни етказиб бериладиган сўнгги мамлакати сифатида жўнатиладиган пайтда маълум бўлган мамлакат;

**товарларнинг статистик қиймати** – шартнома валютасига қарамасдан, базис нархига келтирилган контрактдаги товарлар қиймати;

**СИФ (харажат, суғурта, юк)** – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва суғурта қилиш шунингдек товарни импорт қилувчи мамлакат портига етказиб бериш харажатларини қўшиш шarti асосида товарларни сотиш;

**СИП (кемада ташиш/ташиш ва суғурта)** – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва суғурта қилиш шунингдек товарни импорт қилувчи мамлакат чегарасида белгиланган манзилига етказиб бериш харажатларини қўшиш шarti асосида товарларни сотиш;

**ФОВ (кемада бепул)** – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва товарни кема бортига етказиб бериш ва юклаш харажатларини қўшиш шarti асосида товарларни сотиш;

**ДАФ (чегарага етказиб бериш)** – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва товарни экспорт қилувчи мамлакат чегарасида белгиланган манзилига ёки қўшни мамлакат чегарасига етказиб бериш харажатларини қўшиш шarti асосида товарларни сотиш.

2. Товарларнинг ташқи савдо статистикаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш (импорт) ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш (экспорт) натижасида мамлакат материал рксурслари захираларига қўшиладиган ёки улардан айириб ташланадиган товарлар ҳисобини ташқи савдо умумий ҳисоб тизими асосида юритади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси мамлакатнинг статистик ҳудудининг статистик чегараси ҳисобланади.

3. Ташқи савдо статистикасига транзит товарлар, мамлакатга вақтинча олиб кирилган ёки вақтинча ундан олиб чиқилган товарлар (бир йилдан ортиқ муддатга ижарага олинган ва ички ёки ташқи қайта ишлаш учун мўлжалланган товарлар бундан мустасно), чунки улар мамлакат материал рксурслари захираларини тўлдирмайди ва камайтирмайди.

4. Ўзбекистон ташқи савдо статистикасида шерик мамлакатлар қуйидагилар:

олиб киришда - товарлар келиб чиққан мамлакат, агар келиб чиққан мамлакат ноаниқ бўлса, жўнатиб юборган мамлакат;

олиб чиқишда - товарлар юбориладиган мамлакат.

5. Товарларнинг статистик қиймати қуйидагиларда аниқланади:

- импортда - АҚШ долларида товарларнинг контракт қийматида;

- экспортда - АҚШ долларида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси асосида ягона базисга келтирилган товарларнинг божхона қийматида.

Импорт қийматини баҳолаш импорт қилувчи мамлакат порти СИФ ёки СИП импорт қилувчи мамлакат чегарасидаги товарлар юбориладиган белгиланган жой нархлари асосида амалга оширилади.

Товарларни олиб чиқиш бошқа транспорт воситалари асосида ва СИФ шартлари қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилса, товарлар қийматини СИП шартлари асосида аниқлаш мумкин, чунки у товарларни импорт қилувчи мамлакат чегарасига етказиб бериш, юклаш ва суғурта қийматларини қўшган ҳолда акс эттиради.

Экспорт қийматини баҳолаш экспортқилувчи мамлакат - ФОБ ёки ДАФ экспорт қилувчи мамлакат чегараси нархлари асосида амалга оширилади.

Экспорт қилувчи мамлакатдан товарларни бошқа транспорт воситалари асосида юборилса ва ФОБ шартлари қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда, унинг ўрнига ДАФ шартлари қўлланилиши мумкин, чунки у товарларни ФОБ га мос равишда экспорт қилувчи мамлакат чегарасига етказиб бериш қийматини акс эттиради.

CIF, CIP, FOB ва DAF тушунчалари Савдо атамаларини талқин қилишнинг халқаро қоидалари (Инкотермс) билан белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 декабрь 2017 йилдаги 3448-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида” Президент Қарорига мос равишда товарларни кодлаш ва таснифлаш учун, товарларни таърифлаш ва кодлашнинг янгиланган уйғун системаси асосида ишлаб чиқилган ва 1 январь 2018 йилдан кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият товар номенклатураси” (ЎЗР ТИФ ТН 2017 йил версияси) дан фойдаланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНси ўн рақамли коди қуйидагича шаклланган:

- биринчи олтита рақам товарларни таърифлаш ва кодлашнинг уйғун системасига тўлиқ мос келади;

- худди ўша олтита рақам унга қўшимча еттинчи ва саккизинчи рақамлар товарларни таърифлаш ва кодлаш Европа уюшмасининг комбинациялашаган номенклатурасига мос келади;

- тўққизинчи рақам МДХ (МДХ ТИФ ТН) га товарлар ҳақида тўлиқ маълумот беришга мўлжалланган;

- ўнинчи рақам Ўзбекистон Республикаси учун товарлар ҳақида тўлиқ маълумот беришга мўлжалланган.

8. Ўзбекистон Республикаси товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, ТИФ ТН билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда - ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш калитлари ёрдамида амалга оширилади.

9. Товарларнинг миқдорий ҳисоб китоби асосий ўлчов бирлиги бўлган килограммни қўллаган ҳолда нетто оғирлигида олиб борилади.

Статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш зарур бўлганда, товарларнинг миқдорий ҳисоби параллел равишда қўшимча ўлчов бирликларида (дона, жуфт, метр, литр ва бошқалар) олиб борилади. Бу ўлчов бирликлари ТИФ ТН “Қўшимча ўлчов бирликлари” мос устунда кўрсатилади.

## **II. Ташқи савдо статистикаси шаклланиши манбаалари**

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона статистикаси маълумотлари ва давлат сатистика ҳисоботлари маълумотлари товарлар ташқи савдоси статистикаси шаклланишининг дастлабки маълумотлари бўлиб ҳисобланади.

11. Товарлар ташқи савдосистатистик маълумотларини йиғиш , қайта ишлаш ва улар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, божхона декларациялари асосида Давлат божхона қўмитаси томонидан амалага оширилади.

Давлат божхона қўмитаси ҳисобот давридан кейинги ҳар ойнинг 7-санасигача тезкор, ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача эса Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо божхона статистикасининг меъёрий ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда, товарлар ташқи савдоси маълумотлари базаси бўйича аниқлаштирилган маълумотларни (Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг 10 та белгиси бўйича) жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни ажратган ҳолда Давлат статистика қўмитасига тақдим этади.

Тақдим этилаётган маълумотлар ўсиб бориш тартибида шакллантирилади.

12. Давлат статистика қўмитаси Давлат божхона қўмитасидан мамлакатнинг тўлов балансини шакллантириш учун зарур бўлган божхона декларацияларининг кейинги алоҳида позициялари бўйича маълумотлар олади:

- а) ҳисобот даври (ҳисобга олиш вақти);
- б) товар оқимининг йуналиши (олиб кириш ёки олиб чиқиш);
- в) келиб чиққан мамлакат;
- г) юбориладиган мамлакат;
- д) статистик қиймати;
- е) ТИФ ТН бўйича товарнинг коди ва номи;
- ж) нетто оғирлиги;
- з) қўшимча ўлчов бирликларининг коди ва номи;
- и) қўшимча ўлчов бирликлари бўйича сони;
- к) келишув характери;
- л) ҳудуд.

13. Алоҳида товарлар ҳақидаги маълумотлар, резидентдан норезидентга ўтган эгалик қилиш ҳуқуқи, мамлакат чегарасини кесиб

ўтмайдиган, божхона декларацияларида ва божхона статистикаситомониданҳисобга олинмайдиган маълумотлардавлат статистика ойлик ҳисоботи асосида ҳисобга олинади.

Бу категорияга бункерлар (ёқилғи), борт таъминот материаллари, балласт ва маҳкамлаш материаллари шунингдек мосламалари киради:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудида хорижий учар аппаратлари томонидан сотиб олинган;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудидан ташқарида миллий учар аппаратлари томонидан сотиб олинган;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудидан ташқарида миллий учар аппаратлари томонидан хорижий учар аппаратларига тақдим этилган ёки миллий учар аппаратлари томонидан чет эл аэропортларида юкланган.

Бу товарлар товарлар савдоси статистикасида ҳам, тўлов балансида ҳам товар битимлари сифатида ҳисобга олинади.

### **III. Якуний қоидалар**


14. Ташқи савдо бўйича йиғма натижалар мамлакат миқёсида ҳар ойда амалга оширилади, бунда товарлар экспорт-импорти маълумотлари хизматлар экспорт-импорти маълумотлари билан бирлаштирилади, кейинчалик ҳисоб китоб натижаларини ҳудудларга юборилади.

15. Ҳудудий ва идоравий ташқи савдо статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Давлат статистика қўмитаси, қоида тариқасида, хўжалик юритувчи субъектларга мос келадиган ҳудудий ва идоравий мансублик белгиларидан фойдаланади. Ўз ўрнида, ҳудудий мансублик белгиси хўжалик юритувчи субъекти жойлашган (давлат рўйхатидан ўтган) манзил билан белгиланади.

16. Табиий газ ва электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги расмий статистик маълумотлар, шунингдек, божхона статистикасида ҳисобга олинмайдиган айрим товарларнинг экспорт ва импорт ҳажмлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари кесимида тақсимланмайди.

Товарлар ташқи савдо статистикаси  
ҳисобини ташкил этиш услубий  
қўлланмасига илова

**Ташқи савдо статистикасини шакллантириш чизмаси**



### **Фойдаланилган маълумотлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси.
3. Тўлов баланси бўйича қўлланма, 6 нашр/ХВФ 2009йил.
4. Халқаро товарлар савдоси статистикаси: тушунчалар ва таърифлар, БМТ/2010 йил, Нью-Йорк ,2011 йил.
5. “Ўзбекистон Республикаси давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубий қўлланмаси тўғрисидаги Низом” №1717 20.09.2007йил.
6. “Ўзбекистон Республикаси божхона тарифи тўғрисида”ги қонуни.
7. “Ташқи савдо статистикаси маълумотлари ва тўлов баланси маълумотларининг мувоқлиги тўғрисидаги услубий тавсиялар” МДХ статистика қўмитаси 2013 йил.